

Ҳали Роббимнинг ибодатига тўймаган эдим



07:00 / 04.02.2019 3787

Абу Айёш Қаттон айтади: «Басрада Мунийба исмли ибодатли аёл яшарди. Унинг ўзидан ҳам ибодатлироқ қизи бор эди. Ҳасан Басрий ўша қизни кўриб, ёш бўла туриб ибодатга бунчалик берилганидан таажжубга тушган эди. Бир куни Ҳасан Басрийнинг ёнига бир киши келиб, «Фалончи қизни танирмидингиз? Ўша ҳозир жон талвасасида ётиб экан», деди. Ҳасан Басрий ўрnidан сакраб туриб, унинг олдига борди. Қиз Ҳасан Басрийни кўриб, йиғлаб юборди. Ҳасан Басрий: «Нега йиғлайсан, синглим?», деди. У: «Шу ёшимда юзимга тупроқ тортиладиган бўлди. Мен эса ҳали Роббимнинг ибодатига тўймаган эдим. Эй Абу Саид, онамни қаранг, отамга мен учун кенгроқ қабр қазиб, чиройли кафан танлашни буюряптилар. Аллоҳга қасам, Маккага тайёргарлик кўраётган бўлсам ҳам кўп кўзёш тўккан бўлардим. Қандай қилиб қабр зулмати ва қўрқинчига, қурт-қумурсқалар маконига тайёргарлик кўриб турганимда йиғламайин?»

деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан